



Каримов, унинг қизи Гулнора ва оиласи ўртасида бошланган жанжални тугади, деб бўлмайди.

Гарчанд ўзларини “мустакил журналист” ва ёки “политолог” деб атаб, ўзбек диктатори Каримовнинг келажаги ҳақда фол очаётган шов-вазлардан баъзилари бу жанжал ўз апогейига етди, дея бонг ураётган бўлсалар-да.

Холбуки, бу башоратчилардан ҳеч бири Каримов, оиласи ва куч ишлатар тизимлар ўртасида бошланган бу

## «КАРИМОВ ОИЛАСИДАГИ «ЖАНЖАЛ»НИНГ ОСТМАЗМУНИ»

талотўп замиридаги ҳақиқий мотивни ҳалигача тасбит эта олгани йўқ.

Бу вазиятда Каримов ва унинг яқинлари ва унинг мулоғимлари зеҳниятидан, психологиясидан келиб чиқсан бир неча тахминни илгари суриш мумкин:

1. Каримов ва унинг зеҳниятидаги бу гурӯҳ (бу гурӯхга Гулноранинг душмани кўрсатилаётган Рустам Иноятов ҳам доҳил), ҳеч қаҷон адолат қарор топсин, деб ўзларини шарманда қиласидан фактларни фош қилишмайди, ўз яқинларига жиной иш очмайдилар.

2. Агар бу гурӯҳ ўз яқинларини фош қилиб, уларга қарши жиной иш очаётган бўлсалар, бунинг замирида мутлақо катта бир моддий ва сиёсий манфаат ётганлиги мукарардир.

Бу манфаат шу қадар катта-ки, унинг ёнида Каримовнинг яқинларига очаётган жиной иши уларга қилинган бир яхшилик эканига шубҳа йўқ. Бу жанжал оқибатига бир назар ташласак, «Каримов

ўлкада коррупцияни тугатиш учун ўз қизини ҳам аямади», деган бир миф, бир афсона яратилганини кўрамиз.

Албатта, бу афсонага ишонадиганлар сони Каримов ва Иноятов истаган даражага чиқмаган бўлиши мумкин, аммо бу бир натижа, олинган бир хосил.

Дунё жамоатчилиги кўз ўнгтида жараён этган «20 кунлик оила жанжали» кампаниянинг конкрет маҳсулни.

Бу бир ижтимоий-психологик ташвиқот лойиҳаси ўлароқ ўз вазифасини шу босқичда уддалаган лойиҳа кўринмоқда.

Энди воқелар ривожи бу кампаниянинг иккинчи, асос босқичига ўтилганидан дарак бермоқда.

Иккинчи босқич — катта бир моддий манфаат учун бошланган урушдан иборатдир.

Бу ҳам чиқаётган турли хабарларнинг остмазмунида ўқилмоқда.

Башорат қилмаймиз, аммо ўша остмазмун жуда яқинда уст сарлавҳаларга чиқишига аминмиз.

**Мухаммад Солих**

“Ўзнефтмаҳсулот” ширкати Ўзбекистонда бензин танқислигини тан олди ва буннинг сабабларини келтиради, аммо бу сабабларнинг бирортаси “Ўзнефтмаҳсулот”га боғлиқ эмас. Балки, аксинча, автомобил эгаларининг ўзлари айборд.

Куйида “Ўзнефтмаҳсулот” расмий сайтидаги (<http://www.unm.uz>) билдиришномадан иқтиобслар келтирамиз:

## “ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ” МАЪЛУМОТ ТАРҚАТДИ. КИМ ИШОНАРКИН?

«Биринчидан, — “автобензиннинг нархи ошар экан”, — деган шов-шув хабарнинг тарқалгани. Жорий йилнинг охирига қадар автобензин нархининг оширилиши кутилмаяти.

(Демак, жорий йил охиригача қолган бир ярим ойдан кейин нархнинг оширилмаслигига кафолат йўқ.)

Иккинчидан, айрим шов-шув ишқибозлари томонидан аҳоли орасида — “декабр ойида АЁҚШларда автобензин бўлмас экан”, — деган

шов-шувнинг тарқатилаётгани. Декабр ойида ишлаб чиқаришни кўпайтириб, АЁҚШларга нафакат режалаштирилган миқдорда, балки унга кўшимча миқдорда ҳам автобензин етказиб бериш мўлжалланмоқда.

(Табиийки, агар жорий йил тугашини билан, нарх оширилмаслигига кафолат йўқ экан, ҳар қандай савдо-гар товарни нарх ошишига қадар имкон қадао сотмай тутиб туриши ёки

чекланган миқдорда сотишдан манфаатдор бўлади. Кейин режалаштирилган миқдор — бу неча литр? Мўлжалланмоқда дегани ҳам етказиб беришишини англатмайди, яъни етказиб беришини уддалай олмаса, масъулият юклатиб бўлмайди.

Жавоб оддий: мўлжалланганди, аммо мўлжалга тегмай қолди.)

Учинчидан, шов-шувларга учган автомобил эгалари автобензинни керагидан ортиқча харид қилиб, ғамлаб олишга ҳаракат қилишмоқда.



Хусусан, ўз уйлари ёки гаражларида автобензинни захира қилиб қўйишга киришган.

(Нима қилишисин бўлмаса? Ёки расмий ваъдаларга ҳалиям ишонадиган содда борми Ўзбекистонда?)

Бундан ташқари, АЁҚШларда автобензинни автомобил бакини лиқ тўлдириб олиб, яқин-атрофда канистраларга бўшатиш ва яна автобензин олишга қайтиш кўпайиб қолди.

(Давоми кейинги саҳифада)

## “ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ” МАЪЛУМОТ ТАРҚАТДИ. КИМ ИШОНАРКИН?

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

(Тўғри қилади)

Хавфли ёнилғи моддаларининг маҳсус мослаштирилмаган жойларда сақлаш жуда кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

(Агар бундай воқеалар соодир бўлса, «Ўзбекнефтмаҳсулот» бирор масъулиятни олармикан?)

Тўртингидан, статистик маълумотлардан кўриниб турганидек, бунга автомобиллар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам муҳим омиллардан бири. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, автобензин истемолининг борган сайн ортиб боришига олиб келмоқда.

(Яна бошқалар айборд. Ё ортиқча машина ишилаб чиқаришяпти, ёки ортиқча машина минворишияпти.)

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси мазкур вазиятни баркарорлаштириш учун нефтни қайта ишлаш заводларида автобензин ишлаб чиқариш миқдорини мумкин қадар кўпайтириш, шу жумладан, четдан кўшимча миқдорда углеводород хом ашёсини келтириш ва истемолчиларни автобензин би-

лан тегишли миқдорда таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқда.

(Бу маҳсулот таннархини оширмайдими? Сўнгра уни қоплаши кимнинг ҳисобидан амалга оширилади?)

Юқорида баён этилганларни иnobatga олиб, Сизлардан турли шовшувларга ишонмасликни ва хавотирга берилмасликни сўраймиз». дейилади “Ўзнефтмаҳсулот” расмий билдиришномасида.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда нефть қазиб чиқариш ҳажми камайиб бораётгани ҳақида ОАВда хабар берилган эди. РИА Новости билдиришича, 2012 йилда нефть қазиб чиқариш ҳажми 17,4%га – 1,561 млн тоннагача камайган. 2013 йилнинг январь-март ойларида 345,25 минг тонна нефть қазиб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8%га кам. Март ойидан сўнг эса нефть қазиб чиқариш бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистонда давлат сирига айлантирилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш учта заводда – Фаргона, Олтиарик

ва Бухорода амалга оширилади. Шу пайтгача хом ашё етишмовчилиги важидан бу заводлар тўла қувватда ишлай олган эмас.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг август ойида «Ўзнефтмаҳсулот» бензин тақчиллашгани борасидаги бир катор ОАВнинг хабарларини ёлғонга чиқариб, бензин учун юзага келган узундан-узок навбатларда шунчаки ёкилғи етказиб беришдаги логистик муммолов билан изоҳлаган эди.

«Ўзнефтмаҳсулот»нинг мазкур билдиришида юзага келган вақтинча нокулайликларни бартараф этиш ва ахолининг бензинга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун барча чоралар кўрилаётганини билдирилган эди. «Хавотирга ўрин йўқ!» деб номланган тинчлантирувчи билдиришномада «Саросима ва турли шов-шувли миш-мишларга берилиш мутлақо ноўриндир!» дейилган эди.

Орадан мана уч ой ўтибдики, саросима ва шов-шувли миш-мишлар аксинча, кундалик воқеъликка айланди. Шундай экан, “Ўзнефтмаҳсулот”нинг навбатдаги расмий билдиришномаси яна кимни ишонтиради? деган савол очиқлигича қолаёттири.

**ЎҲҲ ахборот бўлими**



воқеа жойига кечикиб етиб келган.

Фаргона.ру ахборот агентлигига гапирган гувоҳларнинг тахминича, аёл юрак хуружи ёки мияга қон қуилишидан жон берган бўлиши мумкин. Айни пайтда, мазкур воқеа ортидан Қозогистонга ўтмоқчи бўлган ўловчилар чегарада узокроқ туриб қолишга мажбур бўлган.

Маҳаллий кузатувчилар мулҳазасича, бундай ҳодисалар Ўзбекистоннинг кўшилари Қозогистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегара маскан-

## АСКАР КИЙИМИДАГИ ПАХТАКОРЛАР



Ўзбекистондан олинаётган хабарлар мамлакат давлатчилиги ва конунларининг заррача жиддияти ва обрўси қолмаганини кўрсатмоқда. Ҳозир пахта териш кампаниясига одамлар жалб қилишнинг янги усули амалга кирди.

Россияда ишлаб келган ва ҳали пахтага жалб қилиниши учун бирон бир ташкилотга бириттирилмай, ишлизиз юрган ёшлар пахта териш мавсуми пайтида армияга чакирилиб, пахта териш ишига сафарбар қилинаёттирилган. Ҳозир, пахта мавсуми тугаётган пайтда, бу «пахтакор аскарлар» уйларига «демобилизация» қилинмоқда.

**Максад Бекжон**

## ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ЧЕГАРАСИДА НАВБАТ КУТИБ ТУРГАН АЁЛ ЖОН БЕРДИ

Шу йилнинг 9 ноябр куни эрталаб Ўзбекистоннинг Қозогистон билан чегарасининг Фиштқўприк чегара-назорат ўтказиш постида тахминан 40 ёшлардаги аёл вафот этган.

Бу борада Фаргона.ру ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбанинг ёзишича, аёл икки кизи билан Қозогистонга кетаётган бўлган. Шахси номаълум қолаётган мархума чегарадан ўтиш учун навбат кутиб турганида ўзини ёмон ҳис қилган. Гувоҳларнинг айтишича, кийналиб нафас олиб турган аёл бутунлай холсиз бўлиб йиқилгунча тик туришда давом этган. Айтишича, рация орқали чақирилган Тез ёрдам гурухи

ларидан аввал ҳам кузатилган. Айтишича, хусусан, Ўзбекистон чегара постларида хавфсизлик ва қонун ижроси важидан ўловчилар соатлаб текширилади.

Бунинг ортидан юзага келган тикилинчлар ва узоққа чўзилган навбатларда ёш болали аёллар ва қариялар изтироб чекади.

Айрим холларда нохуш воқеалар кетириб чиқаради. Кечаги воқеа гувоҳларининг айтишича, бундан икки йил аввал айнан Фиштқўприк чегара-назорат ўтказиш постида тикилинчда қолган 78 ёшли ўзбек аёли юрак хуружидан ўлган эди.

**ЎҲҲ ахборот бўлими**



## САМАРҚАНДДА НОРОЗИ АЁЛЛАР АВТОТРАССАНИ ТҮСИБ ҚҮЙДИ

Самарқанд шаҳар яқинидаги Хўжасоат маҳалла аҳолиси уч кун кетма-кет газ ва электрдан узилиб қолди. Бундан жазаваси тутган хўжасоатлик уй аёллар норозилик ифодаси сифатида автомобил йўлини түсib қўйди.

5 ноябр кунги норозилик намойишида ўзга яқин самарқандлик хотин-қизлар қатнашгани айтилади.

маҳаллага табиий газ берилгани ҳақидаги хабарни эшитгач, намойишчилар уй-уилариға тарқалган.

Самарқанд ҳокимлигининг исми сир қолишини сўраган ходимасининг айтишича, Хўжасоат маҳалласидаги аҳолининг аксарияти фойдаланилган табиий газ ва электр пулуни вақтида тўлай олмагани узилишларга сабаб бўлган.

Сабр косаси тўлган самарқандлик аёллар массивдан ўтадиган автомобил йўлга ўтириб олгач, йўл бутунлай тўсилган. Воқеадан хабар топган Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, газ ва электр идоралари масъул шахслари дарҳол воқеа жойига етиб келган.

Аммо, воқеа гувоҳларининг айтишича, шаҳар ҳокимлигининг “муаммолар бартараф этилади” қабилидаги вайdasига ишонмаган аёллар жойларидан жилмаган.

Орадан бир соатларча вақт ўтиб,

Бироқ, оддий аҳоли эса электр тармоқлари ва газ идоралари аҳолини асоссиз қарздор қилиб қўяётганидан шикоят қилганлар.

Эслатамиз, ўтган йили ҳам Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига қарашли Самарқанд маҳалласида истиқомат қилаётган ўзга яқин аёллар Тошкент-Самарқанд автомагистралини тўсиб қўйганди. Ушанда ҳам самарқандлик аёлларнинг норозилигига маҳаллага табиий газ ва электр берилмай қўйилгани сабаб бўлган эди.

Булунғурлик аёллар арзини тинглаган туман ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўша куни кечга яқин аҳолига газ ва электр таъминотини йўлга қўйганди.

Ҳар йили қиши арафасида Ўзбекистоннинг турли вилоят ва шаҳарларида, айниқса чекка қишлоқларида, табиий газ ва электр таъминоти ёмонлашади.

Қиши аёзида иссиқлик ва ёруғликсиз қолган фуқаролар чироқ ёқиб, уйларни эса тезак билан иситиб, баҳорга чиқиб олишади.

**ЎҲҲ ахборот бўлими**

## ЎҲҲ ФАОЛИГА ЯНА ҲУЖУМ ЮШТИРИЛДИ

МХХ “режаси” асосида 2013 йилнинг 13 ноябрь куни соат 14.00 да Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани, “Боғистон” маҳалласида яшовчи 5-7 киши «тўда бошлиғи» Темур, Ботир ва рус миллатига мансуб шахслар ЎҲҲ фаоли Фахридин Тиллаевнинг ўғли Одилбек Ҳабибуллаевга ҳужум килдилар. Натижада Одилбекнинг юз-кўзларида кўкариш ҳолатлари юз берган. Юзи моматалоқ бўлиб, кўл-оёклари шикастланган.

Қизиги шундаки, Одилбекнинг бўйнига совук курол, пичоқ тираган фуқаролар унга, “талақ” қўйишган. Бу талабга кўра эса, “Отангга айт, судга берган аризасини қайташиб олсин. Агар қайташиб олмаса, отангни ўлдириб, ичак-чавоғини бошига салла қилиб ўраймиз...” “Ну, колхозники, убирайтесь отсюда! Ташкент наш город. Здесь Вам ничего нету...” дея ҳакорат қилган...

Ҳозирги кунда Ҳабибуллаев Одилбек, шифокорлар кўригидан ўтқазилмоқда. Экспертларнинг ху-лосаси асосида, “жиной иш” очиш кутилмоқда. Ушбу “жиной иш”ни очиш юзасидан, Чилонзор тумани ИИБга қарашли, 379-сонли участка нозири Илҳомжон Останкуловнинг “тавсия”си экспертизага берилган.

Чилонзор тумани суди ва прокуратура органларига мурожаат қилган.

**ЎҲҲ ахборот бўлими**



Владивосток тугруқхонаси қабул қилмаган Ўзбекистон фуқароси тўрт боланинг онаси Шоира Улашова ноконуний муҳожир бўлгани важидан мамлакатдан чиқариб юборилиши айтилмоқда.

## РОССИЯЛИК ДОЯЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМАГАН ЎЗБЕК АЁЛИ ЎРТИГА ҲАЙДАЛМОҚДА

Бу борада “Комсомольская правда” газетаси Приморье ўлкаси бўйича Федерал миграция хизмати маълумотлариға таяниб хабар берди.

Шу йилнинг 6 ноябрга ўтар кечаси тўлғоқ ҳолатида Владивостокнинг Завойко кўчасида жойлашган 1-тугруқхонага борган юзбекистонлик Шоира Улашова Ўзбекистон фуқаролиги, туғиши учун етарли маблағи ва тиббий суғуртаси бўлмагани сабабли тугруқхонага бўсағасидан ичкарига киритилмаган.

Бу воқеага бевосита гувоҳ бўлган маҳаллий аҳоли полициячиларни чакирган. Воқеа жойига етиб келган

полициячилар тугруқхона акушерлари ва врачларини муҳожир аёлни қабул қилишга кўндирган

Ўзбек ФМ га маълум бўлишича, ўзбекистонлик лўлилардан бўлган Шоира Улашова Владивостокда тугилган тўртингчи боласи билан аллақачон касалхонадан чиқарилган.

Бироқ уларнинг ҳозир қаерда экани номаълум қолмоқда.

Айни пайтда Федерал миграция хизмати кўзи ёриган ўзбекистонлик аёл эртаси куни чақолоқ билан тугруқхонадан қочиб кетганини идао қилмоқда.

Гарчи тиббиёт ходимларининг тўлғоқдаги аёлга биринчи ёрдам кўрсатмагани полиция ходимла-

ри ва оммавий ахборот воситалари дикқатини тортган бўлса-да, аммо Россия тегиши давлат идоралари мазкур ҳолат юзасидан иш очмади.

Миграция масъулларининг билдиришича, 2011 йилдан буён Россия худудида ноконуний юрган Ўзбекистон фуқароси мамлакатдан депортация қилиниши борасида қарор қабул қилинган.

Россия қонунчилигига биноан де-протация билан бирга ўзбекистонлик онага 5 минг Россия рубли (тахминан 150 АҚШ доллари) миқдорида жарима ҳам таҳдид қилмоқда.

**ЎҲҲ ахборот бўлими**

2013 йил 7 ноябрь куни Сурхонда́рё вилояти Бойсун тумани С.Айний кўчасида яшовчи фуқаро Хожикулов Илҳом Исмоил ўғлининг ўлиқ жасадини, ўзлари яшаётган хонадонга тегишли бўлган, “молхона”дан то-пиб олишган. Аниқланишича, Илҳом Хожикулов ўз жонига қасд қилгани маълум бўлди.

Унинг яқин-кариндошларининг сўзига караганда эса, “Илҳомнинг отаси Россияга ишга кетганидан сўнг, онаси билан ҳар куни жанжаллашиб,

## БОЙСУНДА 16 ЁШЛИ БОЛА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

яқин синфдошини севиб қолгани. Ўша қизни олиб беришларини талаб қилган. Бечора онаизор ўғлининг бу “бесмани” саволига жавоб тополмай кийналганди.

Оилада доим камчиликнинг кўплиги яъни, муаммонинг гирдобига қолгани оила аҳли кун кўриш учун аранг кунларни бошларидан ўтқазмоқда эди.

Президентнинг тўнгич қизи, отаси ёрдамида, давлат ғазнаси ҳисобидан, жуда катта молия ўзлаштиргани, халқимизда сир эмас. Г.Каримованинг, Республика президентлик лавозимига интилаётгани ҳам, элга ва дунёга маълум.

Г.Каримованинг, маликага ва ўзбек аёлига мутлоқа хос бўлмаган одатлари, жамиятимизда ўзини тутиши, очи-либ-сочилиб юриши, халқимиз онгиди носоғлом образни шакиллантирган. Унинг устига, ўзбек тилини билмаслиги яъни, миллатга хос фикрлай олмаслиги, халқни нафақат ғазабини келтирайти, отаси Каримованинг кутилмаганда таҳтдан кетишига ҳам сабабчи бўлажак.

МХХ раиси Р. Иноятовнинг, Г.Каримова жиноятлари бўйича, шахсан Каримов олдида онкорса сухбат қилгани, бу оиласи ноилож аҳволга солиб кўйди. Бугун, кўпчиликнинг Каримовлар оиласи бўйича фикрлаш мазмунлари, кескин ўзгарайти. Халқимизнинг катта бир қисми, Г.Каримованинг енгилтак фикрлашларига, Каримовлар оиласининг ўзаро ёмон муносабатларига, уларнинг хукумат бошидан ва одамлар елкасидан тушиб кетишига, ишониб қолдилар.

Генерал Иноятов, Г.Каримованинг эсанкираб, халқ мулкига эгалик қилаётгани ҳақида, унинг дадаси олдида ишонч билан аҳборот берди. Қилинган бу аҳборот, президент Каримовга чаён чаққандай, ёқимсиз таъсир қилибди.

Г.Каримова, отасининг эрка қизи. Қизи илтимос қилади, дадаси бисёр қилади. Каримов, ўз қизлари устидан, ҳамиша зар сочган. Ота ва эрка қиз орасида вужудга келган кундалик реал муносабат шу. Негадир бугун, кундалик меъёрида кечаётган ишлари учун,

Бу оила маҳаллада энг кам даромадли оиласидан бирни ҳисобланарди. Бебош ўғилнинг бу қилифи, ҳаммадан ҳам ошиб тушди. Отаси ўғлининг бу, “машмашаларидан” йироқ бўлишини ўйлаб, Россияга ишга қочиб кетганди. Энди эса, ўғлининг ўлим маросимиға келиш учун ҳам, катта маблағ талаб қилинади. Унинг устига Россияга кетган отаси, Исмоил aka яқин-кариндош ва дўстларидан қарзга пул олиб Россияга ишга кетган эди.

Энди бу ёғи нечи пулга тушади? Ёлғиз яратган Аллоҳ билади!

Кейинги вақтларда айниқса мана шу сўнги, 10 йил давомида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида, “ўзининг жонига қасд қилиш” ёш йигит-қизлар орасида авжига чиккан.

Бу воқеаларнинг асосий сабабчиларидан биттаси: Мамлакатда ишсизлик, ижтимоий ва

иқтисодий жиҳатдан оиласидан қийинчиликларга дуч келаётгани.

Фуқаролар ўртасида тенгиззилик, турли ҳил касалликларнинг авж олиши. Оилада ва хаётда турмуш шароитлари оғир кечаетгани. Кам даромадли оиласидан қарзга берилади, оилик маошлари, “Маҳалла хайрия фуқаролари йифини” томонидан талон-тарож қилинаётгани.

2-ёшдан ва 16 ёшларга берилади, болалар нафақлари ҳамда кам даромадли оиласидан қарзга берилади, маблағлар ўз эгаларига етиб бормаслиги. “Маҳалла” ва шаҳар ва туман Молия бўлимлари томонидан ўзлаштириш оқибатида шундай кўнгилсиз воқеалар содир этилмоқда десак хато бўлмайди. Айрим мутасадди раҳбарларнинг пораҳўрлиги, таниш-билишлик, сансоларлик кўпгина оиласидан яшаш шароитини берк кўчага киритиб кўймоқдалар. Натижада ахоли ўртасида турли-ҳил ихтиловларни келтириб чиқармоқда...

**УXX хабар маркази**

Марказий Осиё давлатлари диктаторлари ҳам, цивилизацияга, билиб-билимдан келтираётган таҳтилари, қулаган диктаторларнидан қолишмайди.

Миллат ривожини мутлоқо эсдан чиқарган диктатордан нимани ҳам кутиш мумкин? Қурол сотилиши қулаги бир замонида, қўйиб берса Каримованинг, нафақат Башар Асадга ўшаган диктаторлар билан оғиз бурун ўпишишига, айрим қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашишига ҳам кучи етади.

Яқин тарихдан бир мисол: Иқтисодий, мутлоқо ривожланмаган СССР, 75 йил давомида, фаравон Фарба ва дунёга, ўзининг ҳарбий ма-

## ЭР ЎҒЛОН, ЭЛ БОШҚАРСИН

ўлими инобатга олинмайдиган фактирди.

Бўйруқ билан, давлат ишлари бошқарилмайди ёки ёмон бошқарилади. Афсус-ки, миллатимиз мана 150 йилдан кўпроқ вақт ичиди, у ёки бу турдаги бўйруқ остида яшаб келган. Коммунизм бўйруқбозлиги, бундан 24 йил аввал якунланган. Бугун, Каримов диктатурасида яшаяпмиз. Лекин, бу диктатуранинг кучи ҳам сўнайти. Кучи йўқолган нарсанинг, ўзи ҳам йўқолади. Генерал Иноятов, Каримов диктатурасига яхши тушунган ва бу борода мустақил фикрлаб ҳам биладиган шахсdir. Лекин, у шу бугунгача, президентнинг бўйруғини бажариш билангина, кун кечирган.

Жаҳон цивилизациясининг янги этапи, бизнинг ўлқага ҳам эшик қоқиб келаяпти. Мусулмон давлатларида, ўзи ва оиласи учун яшаган ва дунёга таҳдит соглан кўпгина хукумдорлар, бирин кетин таҳтдан қуладилар.

шинаси билан таҳтид солиб келди.

Шунинг учун ҳам технологик ривожланган мамлакатлар аҳли, бизга ўшаган камбағал ва диктатор сафасини билан идеялогик қуролланган оломондан қўрқадилар.

Чунки, бу оломонга қурол берилса, бўйрилган тамонга қаратиб ўт очаверади. Шунинг учун ҳам улар(ғарб аҳли), “мусулмон” диктаторларни алмаштириш идеяларини кўллаб кувватлайдилар.

Шундай вазиятда, фақат бирорларнинг меҳнати эвазига ном чиқараётган ва яшаётган Г.Каримова, президентлик лавозимига эга бўлмоқчи. Элга хукмрон бўлишининг биринчи шарти, хукумдор атрофида ишончила ва фикрловчи одамлар бўлиши даркор.

Бу хикмат, бугун ҳам ўз кучини йўқатмаган. Шундай экан Г.Каримова, ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам, “тиргаксиз” президент бўла олмас эди.

(Давоми кейинги сахифада)

## ЭР ЎҒЛОН, ЭЛ БОШҚАРСИН

*(Давоми: Боши олдинги сахифада)*

Бугун ўғлым мендан «Ойи, энг түгри мазхаб қайси?», деб сўраб қолди. Бу саволга жавобим тайёр эди-ю, Аммо...

Дунёда динлар жуда кўп, динларда йўл ва мазхаблар ундан-да кўп. Мавлоно Румийга кўра, ер юзида қанча маҳлукот яратилган бўлса, уларнинг нафасининг ададича Аллоҳга элтувчи йўллар мавжуддир.

Аммо дин дунёда бирлаша олмайди. Йўл ва мазхаблар ҳам. Ўғлимга берилган жавоб бор-йўғи бир оғиз сўз эди: Энг тўғри мазхаб бу — Гўзал ахлоқдир. Мўминларни тафрикага солаётган нарса шу йўлни унутганликдандир. Бу унутилишнинг ҳам ўз оти бор, уни **ЖАҲОЛАТ** дея қолайлик. Куни кеча бир саккиз ёшли кизча билан сухбатлашиб қолдим, қизчанинг бир кўзи кўрмас экан, у билан орамизда куйидагича савол-жавоб кечди, уни келтирмай иложим йўқ :

- Неча ёшдасан?
  - Саккиз.
  - Мактабга бормайсанми?

- Дадам рухсат бермайди. Чунки ота-онам мактаблар кофиirlарни кўлида биз мусулмонмиз болаларимиз уларни кўлида ўқиши керак эмас, дейишди. Аммо мен мактабдан ўқишини жудаям хоҳлайман.

Яъни: Ўзбекчасига, президент “Эк-  
канини ўрайти”. Каримов, мамлакат  
қуролли кучларини шахсий ҳимоясига  
ишлатишга ўрганган. Андижонда унинг,  
тинч намойишчиларни қурол кучи би-  
лан бостиргани ёдимизда. Каримов,  
намойишчиларни қурол кучи билан  
йўқ килиб, лавозимини ва режимини  
сақлаб қолишнинг эффектив усули деб  
тушунади.

Б.Асад, исёнчилар баробаринда, тинч ахолига ва намойишчиларга қарата аёвсиз ўқ отди. Натижада 150минг тинч ахоли ҳолак бўлди. Сурия диктаторининг, исёнчиларга берилган бундай зарбаси, яъни ишнинг “каримовча” усули “юқори самара” берди. Б.Асад диктатураси ҳали кулагани йўқ. Каримовга эса, бу факт анча умидли хотиржамлик берган бўлиши мумкин.

Сурия исёнчиларининг жанг тактикасида янги элементлар ва ҳокимиятни эгаллашларининг янги режалари пайдо бўлди. Каримов, факат қатлом билан исёнчиларни тұхтата олмаслигини тушунди. Исёнчилар бошлаган “иш”, албатта исёнчилар кўзлаган натижа билан тугар экан. Қизини, таҳтга ўтқизиб кўйиш, бугун ҳам Каримов учун унча қийин вазифа эмас. Г.Каримованинг давлат тепасида ўтириш муддати кўпга чузилмаслигини, дада тушунади. Чун-

ки, ўзининг кучи етмаган “бошқарув”ни, қизининг ҳам эплай олмаслиги аник. Бу вазиятда, Каримовнинг қариганида осойишта кун ўтказиш масаласи яна чигаллашади.

Каримов учун энг яхши вариант, Мамлакатда сүз эркинлигини ва ошкораликни жорий қилишдир. Шу билан Каримов, мамлактда қон түкилишининг олдини олиб ва ўз умри финишини яхши якунлашга, замин яраттган бўлади.

Халқ, Р.Иноятов ва Каримовлар орасидаги мuloқат натижаларидан, инқилобнинг яқин эканига ишониб қолди. Шунинг учун ҳам куч ишлатар тизимларининг вазифалари, халқ ва муҳолифат билан биргаликда, инқилобнинг тинч ва қонсиз кечишини таъминлашдадир. Бундай вазифани реал амалга ошириш имкони бор эканини, мuloқат жараёни исбот қилди. Куч ишлатар тизими ходимлари, инқилоб жарёнида халқ тамонда туражак.

Гулноранинг айтишига қараганда, Ўзбекистонни “эркак бошқариши кепрак” экан. Бизда, халқни яхшилик сари етакловчи эркакларимиз кўп. Яна бир эр ўғлонимиз ҳам бор. Бу юртни, холисона бошқариш ва халқни фарованилик йўлига бошлиш, шу ўғлоннинг кўлидан келади. Инша Аллоҳ.

Нураддин Жуманиёз

Биз аввал Хитойда, кейин Россияда, хозир эса Туркияда яшаемиз. Қаерга күчсак, ота-онамдан илтимос килардим мактабга беришларини, аммо рози бўлишмади.

Кизча мендан, «Хозир феврал ойими?», деб сўради.

«Йўқ ноябр», дея жавоб бердим.  
У эса, «Мен факат феврал ойинигина биламан, чунки февралда туғилғанманд» деди.

- Мактабга борсанг, ҳамма ойларни номини билардинг — дедим

Айникса мусулмонлар орасыда болаларни мактаб күриши шарт эмас, деган қарашлар тарафдорлари күп.

Бир имомни шахсан танийман. Тошкент туманидаги масжид имомларидан бири етти фарзандининг ҳеч бирини мактабда ўқитмаган. Фарзандлари улғайиб, оиласи бўлди ҳамки, алифбони билмайди. Ҳарф танимаган инсондан ҳам кўра ачинарлироқ маҳлуқнинг ўзи ийӯқ экан дунёда. Қанча-қанча инсонлар ўzlари истаган ҳолатда жаҳолат

## ЖАҲОЛАТ МАЗҲАБЛАРИ

- Мактабдагилар ойларнинг номини қаёдан билишади? — дея  
хайратга тушди у.

- Битта күзинг нега күрмайды?

- Укамнан күли кириб кетганды, бир йил аввал. Ўшанда кўзимнинг қорачиги йиртилган экан, дадам бўлса «Дўхтирлар қуфтра, уларга кўриниш мумкинмас», деб олиб бормаган эди. Шундан кейин бир кўзим кўрмай қолди.

Кызычанинг ахволи тонггача менга уйку бермади. Эхтимол бундайларни муҳожирлик қийинчиликлари сабаб ўқитиш имкониятлари чекланган, деса бўлар, аммо бундай холатлар ватанинг ичидаги хам сонсиз-саноқсиз.

мазҳабини танлашган.

Биз энг түгри мазхаб бу — Гүзэл ахлоқ, дедик. Энг нотүгриси эса Жаҳолатдир. Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларининг бир ҳикматли гаплари бор: «Ахлоқ бўлмаган одамда суннат бўлмайди. Суннат бўлмаган одамда фарз бўлмайди. Фарз бўлмаган одамда маърифат бўлмайди. Маърифат бўлмаган одамда тавҳид бўлмайди. Тавҳиди йўқ одам эса кофиридор».

Мана куфрнинг ўрни қаерда? Күфр миллат танламайди. Аммо одамларнинг ўзлари уни мазхаб ўлароқ танлашади.

Марзия Мумтоз

Интернет тармоғида “Президент Каримов ўз қизи Гулнорани нима учун калтаклади?” сарлавҳали мақоламиз эълон қилингач, кўпчилик ўқувчилар: “Ҳалоллик ва адолат туйғулари билан йўғрилган И.Каримов ўз қизининг танобини тортиб қўйди”, — деган ҳаёлларга бориб, севинч кўзёшларини тўка бошладилар.

Бундай тоифа одамлар учун Каримов дунё президентлари ичидаги энг ҳалол президентга, давлат қонунларини оёғости қилганлик учун ҳатто ўз фарзандларини ҳам жазолай оладиган энг адолатли сиёсий раҳбарга айланди-қолди.

Ўқувчиларнинг бошқа бир тоифаси эса Г.Каримовага ачиниб, уни беозор кўзичоққа ва ўзбек махсус

маблағдан маҳрум бўлишингиз мумкин”, — деди Р.Иноятов президент Каримовга 2013 йил 22 октябрь куни.

У Г.Каримованинг бизнес-салтантаги қарши ёпласига хужум уюштириш, унинг ҳисоб-ракамларини музлатиш ва ҳисбга олиш аслида каримовлар оиласи учун фойдали ишлар бўлиши ҳақида Каримовни ишонтириди. Яъни Иноятов давлат раҳбарини бу ҳатти-ҳаракатларнинг асосий мақсади хорижий банкларда сақланаётган пулларни сақлаб қолиш эканлигига ишонтириди.

Иноятов томонидан президент Каримовга таклиф этилган режага кўра, Г.Каримова қарши бошланган ҳозирги босим тўрт босқичдан иборат бўлади:

1) Г.Каримовага тегишли барча

## **У.ХАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ “ОШХОНАСИ”ДАГИ ҲОЗИРГИ АЛГОВ- ДАЛҒОВЛАРНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА**

хизматлари томонидан уюштирилган яширин сарой ўйинларининг курбонига қиёслай бошлади. Учинчи тоифа одамлар эса Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) раиси Р.Иноятовни очиқча мақтаб, уни Г.Каримова жиноятларини президент олдида фош қила олган ҳаљ қаҳрамони, деб ҳисоблай бошлади.

Ушбу қарашларга ҳурмат билдирган ҳолда шуни таъкидлашимиз керак-ки, ўқувчиларнинг юқорида санаб ўтилган тоифалари ўз фикр ва хиссиятларида қаттиқ адашайтилар: Г.Каримовага нисбатан тотал босим бошлаган И.Каримов ва Р.Иноятов конун олдида барчани тенг кўриш ва адолат ўрнатиш, ҳалоллик ва ватнапарварлик каби юксак туйғулар билан эмас, президент Каримов оиласининг моддий-молиявий хавфсизлигини сақлаб колишига қаратилган фойдакор ва гараз ниятлар билан йўғрилганлар. Шундай қилиб...

**Рустам Иноятовнинг “кўзир карта”си ҳақида**

Жорий йилнинг 20 октябрида бошланган ҳаркунлик музокаралар давомида ўзбек махсус хизматларининг раҳбари президентни Г.Каримованинг бизнес-тузилмаларига қарши зудлик билан хужум уюштириб, “молиявий жиноятларни содир этганлиги учун” унга қарши жиноий иш очишига ҳамда шу йўл билан унинг хориждаги маблағларини ҳисбга олишга ва Ўзбекистонга қайташга кўндириди. “Агар Гулноранинг устидан ўзимиз иш очмасак, буни европаликлар қилиши мумкин. Агар европаликлар Гулноранинг ҳисоб-ракамларини музлатиб, ҳисбга олишса, сиз ҳам, қизингиз ҳам катта

бизнес-тузилмаларни комплекс рашида текшириш (2013 йил 25 октябридан 25 ноябригача);

2) молиявий жиноятларни содир этганлик учун жиноий иш очиши ва юритиш (2013 йил 25 ноябридан 25 декабригача);

3) суд жараёнларини бошлаб, хориждаги маблағларни ҳисбга олиш ва Ўзбекистонга қайташ ҳақида қарор чиқариш (2014 йил 5 январидан 5 мартағача);

4) суд қарорларини ижро этиш (Г.Каримованинг маблағларини Ўзбекистонга қайташ) (2014 йил 5 мартадан 5 майгача).

Юқорида санаб ўтилган ишлар тақвимидан кўриниб турганидек, айни кунларда Ўзбекистон хукумати режанинг фақат биринчи босқичини амалга оширимоқда. Тез кунларда улар режанинг иккинчи босқичи, яъни жиноий иш очиши, молиявий жиноятларнинг иштирокчиларини сўрока тутиш каби ишларни бошлаб юборишиди.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, Иноятов режасининг ҳар бир босқичи майдо-чуйдасигача синчиқлик билан ишлаб чиқилган. Масалан, 3-босқич ҳаракатлари доирасида хориждан қайталиши кўзда тутилган маблағларни тўплан учун Ўзбекистон Миллий банкида махсус ҳисоб-ракам очиши тўғрисида суд қарорини чиқариш режалашибтирилган. Табиий-ки, режанинг 4-босқичида Г.Каримованинг чет элдан “экстрадиция” қилинадиган пуллари учун Миллий банкда шундай ҳисоб-ракам очилади.

Ушбу режанинг “хорижий сектори” (режанинг Ўзбекистон

ташқарисида бажарилиши лозим бўлган қисми) Президент Хавфсизлиги Хизматининг собиқ бошлиги Аҳад Носировга юклатилган бўлиб, у президент Каримов томонидан Европага хизмат сафарига юборилган. А.Носировга Г.Каримованинг хориждаги мулкини “инвентаризация” (рўйхатга олиш) вазифаси юклатилган. Шунингдек, А.Носировга оффшор худудларида янги ҳисоб-ракамлар очиш вазифаси ҳам топширилган. Шу билан биргаликда, МХХ раиси Р.Иноятов А.Носиров қочиб кетиши мумкинлигидан ҳавотирга тушмоқда.

Каримовни Ўзбекистондан олиб чиқилган пулларни мамлакатга қайташга кўндира олган Иноятов президентни юқорида номи келтирилган режа қатъий маҳфийликда амалга оширилиши лозимлигига ҳам ишонтира олди. “Ортиқча гап сўзлар чиқмаслиги учун бу режадан Гулнора хабар топмагани маъқул. Чунки, ўзингиз биласиз, у Ғарблик журналистлар билан фаол ҳамкорлик қиласи ва Интернетда омма билан гаплашади”, — деди Р.Иноятов мамлакат президентига 22 октябрь куни.

Бирок бир-икки кун ўтгач, Г.Каримова ўз каналларини ишга солиб, Р.Иноятов унга қарши жиноий иш очишига ва унинг хориждаги пулларини ҳисбга олиб, Ўзбекистонга қайташга тайёрланаётгани ҳақида хабартопди. Ўзбек махсус хизматлари раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, президентга таклиф қилинган ҳамда президент томонидан маъқулланган ушбу маҳфий режадан хабар топгач, Гулнора Каримова мазкур режанинг амалга оширилишига қарши самарасиз ҳаракатларни бошлаб юборди.

Олдинига у Twiter.Com тармоғида чиқишилар қилиб, Р.Иноятов президентни алдаётгани ҳақида бонг урди, Иноятовнинг “идора”си тергалаётган шахсларга нисбатан мунтазам равишида қийноқлар қўллаётгани ҳақида оғиз очди. Ўзига тегишли пулларнинг ҳисбга олиниб, Ўзбекистонга қайталиши мумкинлигидан ҳавотирга тушган Г.Каримова ўз манфаатларини химоя килиш учун нафакат ахборот, балки амалий чоралар ҳам кўра бошлади.

Хусусан, 2013 йил 26 октябрь куни Г.Каримова ўз тансоқчиларига мурожаат қилиб, Тошкентдаги ҳовлиниң деворлари бўйлаб сафланишни буорди. Тансоқчилар буйруқни бажаргач, Гулнора Каримова хизматкорларига уйининг ичидаги барча қоғозларни ҳовлига олиб чиқишни талаб қилди. Шундан кейин Г.Каримова истиқомат қиласидан уйдан кўплаб қоғоз ҳуж-  
**(Давоми кейинги саҳифада)**

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*) жатлар, CD ва DVD дисклар олиб чиқилди. Бироз вақтдан кейин бу ашёлар устидан бензин сепилиб, кўп сонли тансоқчилар кўз ўнгидаги ёкиб юборилди.

Г.Каримова: “Иноятовнинг кўлидаги қуролга айланни мумкин бўлган асосий хужжатларни йўқ килиб, ўзбек маҳсус хизматларнинг раҳбарини керакли далиллардан маҳрум қилдим”, — деган ҳаёлга боргани табиий. Лекин Г.Каримова МХХ терговчилари унинг яқинидаги одамларни қийноққа солиб, президентнинг тўнгич қизига қарши керакли кўрсатмаларни олаётганидан бехабар кўринади. Жумладан, МХХ Тергов изоляторида сўроққа тутилган Фирдавс Абдухоликов (Г. Каримовнинг собиқ матбуот котиби, “NTT” телеканалининг собиқ раҳбари) президентнинг тўнгич қизига қарши аллақачон кўрсатмалар берилб улгурди.

Бундан ташқари, Г.Каримовнинг тансоқчилар хизматидаги ходимлардан баъзилари, яъни хужжатлар ёкиб юборилишига гувоҳ бўлган ходимлари бу воқеанинг эртасига ёк (2013 йил 27 октябрь куни) МХХ раҳбари ятига чиқиб, “президентнинг тўнгич қизи ўз ҳовлисида аллақандай қоғозларни ёкиб юборган”лиги ҳақида хабар беришди.

Г.Каримова Р.Иноятовнинг “идора”си унга қарши ишни кунига эмас, соатига тика бошлаганини билади. Президентнинг тўнгич қизи ушбу иш учун зарур бўлган кўрсатмаларни ўзбек “чекист”лари электрошок ва бешафқат кийноқлар йўли билан олиб, тикаётганини хам билади. Яъни Г.Каримова ўзига қарши очилаётган жиноий иш юзаки характеристерга эга эканлигини англаш турибди. Шунингдек, Г.Каримова шошилинч тарзда катталаштирилаётган мазкур жиноий ишни очишдан кўзланган асосий мақсад унинг хориждаги маблағларини Ўзбекистонга қайташ эканлигини хам у жуда яхши билади.

Бироқ Г.Каримова Ўзбекистон президенти ва МХХ раиси нега унга тегишли пулларни иложи борича ҳибсга олиб, Ўзбекистонга қайташни истаётганини тушунмаяпти.

Президентнинг тўнгич қизи унга тегишли валюта маблағларининг ҳибсга олиниб, Ўзбекистонга қайталиши ўзи учун хам, каримовлар оиласи учун хам кони-фойда эканини англашади.

Г.Каримова унинг пулларини Тошкентга қайташдан кўзланган асосий мақсад, бу пулларни аввалига оффшор худудларидан би-

рига, кейин эса бошқа мамлакатга юбориш эканлигини билмайди. Г.Каримова Ўзбекистон президенти ва МХХ раҳбари “Аргентина” маҳфий лойиҳасини амалга оширишини режалаштираётганидан хам бехабар. Шундай қилиб...

### “Аргентина” деб номланган маҳфий лойиҳа ҳақида

2013 йил 22 октябрь куни президент И.Каримовнинг кабулида бўлган Р.Иноятов Г.Каримовага тегишли бўлган барча хорижий маблағларни зудлик билан ҳибсга олиб, Ўзбекистонга қайташни ва кейинчалик Аргентинага жўнатишини таклиф қилди.

“Ҳозирги жараённи [тўрт босқичли режани – У.Х.] ниҳоясига етказсан, сиз бу пулларни оффшор

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ “ОШХОНАСИ”ДАГИ ҲОЗИРГИ АЛГОВ-ДАЛГОВЛАРНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

худудлар орқали Аргентинага бемалол жўнатишиниз мумкин”, — деди МХХ раиси Р.Иноятов тўнгич қизининг кўп миллиардли маблағлари борасида каттиқ қайғуга ботган президент И.Каримовга. Бу таклифи билан Ўзбекистоннинг бош “чекисти” каримовлар оиласида 2000-йиллар бошларида ёк ишлаб чиқилган “Аргентина” маҳфий лойиҳасининг молиявий босқичини бошлашни пайсалга солмаслика чақириди.

Шуни айтиш керак-ки, каримовлар оиласига тегишли барча пулларни якунда Аргентинага жўнатишини ҳамда каримовлар оиласининг ушбу мамлакатга кўчиб кетишини ўз ичига олган ушбу лойиҳа И.Каримовнинг ташаббуси билан 2003-2004 йилларда ишлаб чиқила бошланганди. Лойиҳанинг мазмунидан президент оиласининг барча аъзолари хабардорлар, унинг баъзи босқичларини ишлаб чиқишида Г.Каримова хам иштирок килган.

Гап шундаки, 2003 йил август ойида И.Каримов Бухоро Яхудийлари Умумжаҳон Конгресси раҳбари Борис Қандовга мурожаат қилиб, каримовлар оиласи учун “Ўзбекистони тарқ этгандан кейин бориб яшаш учун энг бехатар мамлакат” таклиф қилишини ёки топиб беришни илтимос қилди. Б.Қандов Каримовга шундай мамлакат сифатида дарров Аргентинани таклиф қилди.

Ба 2003 йилнинг август ойидан бошлаб Каримов оиласининг маҳфий чопарлари, асосан, Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда Г.Каримовнинг ўзи “Ўзбекистондаги сиёсий аҳвол

ёмонлашган тақдирда каримовлар оиласига доимий бошпана бериш” масаласида Аргентина ҳукуматига мурожаат қила бошладилар. Бошқача айтганда, ҳали 2003 йилда ёк Каримов оиласи Ўзбекистондан қочиш тараддудини кўра бошлаган. Шуни айтиш керак-ки, каримовлар оиласи ва Аргентина ҳукумати ўртасидаги алоқаларни ташкил қилишда нафақат Бухоро Яхудийлари Умумжаҳон Конгресси раҳбари яти, балки Аргентина Яхудийлар Кўмитаси хам жонбозлик кўрсатди.

2003 йил кузидан бошлаб, Аргентина ҳукумати И.Каримовнинг оиласи, айниқса, унинг молиявий аҳволи билан қаттиқ қизиқа бошлади. Айнан 2003 йил кузидан бошлаб, Аргентина Истихборот Котибияти (Secretaría

de Inteligencia – SI или SIDE), яъни маҳсус хизматлари каримовлар оиласининг умумий молиявий аҳволи ҳақида маълумот йигишга тушди. 2004 йилнинг баҳорида эса бу ишга Аргентина Иқтисодиёт вазирлигининг Молиявий истихборот бошқармаси хам киришди. Чунки Аргентина маҳсус хизматлари каримовлар оиласининг пулларни “ювиш” (қонунийлаштириш) ва наркотиклар савдоси каби жиноятларга алоқадорлиги ҳақида маълумотларни кўлга кириганди.

2005 йилнинг ўрталарида, яъни Андижон воқеаларидан сўнг Аргентина ҳукумати каримовлар оиласи билан бошланган маҳфий музокараларни тўхтатиб қўйди. Чунки аргентиналиқ мулоғимлар Андижондаги қатлиом юзасидан Ўзбекистонда ҳалқаро текширув ўтказишни талаб қила бошлаган АҚШ маъмуриятининг ғазабига учрашдан кўрқанди. Каримовлар оиласи ва Аргентина ҳукуматининг музокаралари 2008 йил кузида, яъни Вашингтондаги Оқ уйнинг Тошкентдаги Оқсаройга нисбатан муносабати расман “илий” бошлагандан кейин тикланди. Шундан кейин SIDEнинг таклифига кўра, томонлар каримовлар оиласига Аргентинадан доимий бошпана бериш масаласини буткул ва расман ҳал қилиш учун И.Каримов Аргентина билан чегарадош бир мамлакатга расмий сафар ўюнтириши лозимлиги ҳақида келишиб олишди. Аргентина маҳсус хизматларининг таклифига кўра, шундай сафар учун энг маъкул мамлакат сифатида кўшни Бразилия таклиф қилинди.

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Аргентина томони Бразилия раҳбарияти томонидан Ўзбекистон президентига расмий таклиф юборилиши масаласини ҳал қилишга кафолат берди.

Ва 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги Бразилия Федератив Республикаси президенти Луис Инасиу Лула да Сильва номидан И.Каримов номига ёзилган расмий таклифнома олди. Ушбу хужжатда Бразилия президенти ўзининг ўзбекистонлик ҳамкасбини Бразилияга расмий сафар уюштиришга чакирганди. Ва шу йилнинг май ойида И.Каримов ушбу мамлакатга расмий ташриф уюштириди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керак-ки, ўзбек ва бразил ҳукуматларининг уч кунлик музокаралари юзаки характерга эга бўлиб,

ғазнасига ўтказилиши лозимлигини илгари сурди. “Оиласигизнинг умумий бойлиги 20 миллиард доллардан ошиқлигини ҳисобга олсан, сиз бизга 6 миллиард доллар тўлашингиз керак бўлади”, — деди SIDE чопари Ўзбекистон президентига.

Шунингдек у Аргентина ғазнасига тўланадиган пулнинг бир қисми Аргентинага кўчуб борган кундан бошлаб Каримов оиласи учун ажратиладиган тансоқчилар хизматига сарфланишини билдириб ўтди. “Бундан ташқари, мана шу 6 миллиард пулнинг бир қисми ўзбекча исми-шарифларингизни аргентинача исми-шарифларга ўзгартиришга ҳамда оиласигиз аъзолари учун Аргентина паспортларини расмийлаштиришга сарфланади”, — деди аргентиналиклар вакили.

Ўзбекистон президенти Аргентина томонининг шартларига рози

сида ҳам ташвишга туша бошлади. Ахир, каримовлар оиласига Аргентинадан бошпана берилишининг асосий шарти ушбу мамлакат ғазнасига 6 миллиард доллар тўлашдир.

Г.Каримованинг барча бизнес-тузилмаларини “ёпиш” ҳақида буйруқ берган президент Ислом Каримов эндиликда ушбу бизнес-салтанат устидан тезроқ суд жараёни ўтказиб, тўнгич қизининг Farbdagi барча маблағларини ҳисбга олиш ва Ўзбекистонга қайтариш иштиёқида ёнмоқда.

Шундан кейин Каримов бу пулларни “Аргентина” маҳфий лойихасига мувофиқ аввалига оффшор худудларига, кейин эса ушбу мамлакатга жўнатиш устиди бош котирмоқда.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, Г. Каримова отасининг ва Р.Иноятовнинг ушбу ниятларидан бехабар. Шунинг учун ҳам Г.Каримова отасини ҳам, Иноятовни ҳам золимликда айблаб, “Улар менинг пулларимни тортиб олмоқчи”, — деган ҳаёлга бормоқда. Гулнора Каримованинг ижтимоий фаоллигининг асл сабаблари мана шунда. Шундай килиб...

**Гульнора Каримова томонидан рақиблари томонга отилаётган “twit-ўзлар” ҳақида**

Ушбу мақолада Гулнора Каримованинг Twitter.Com тармоғидаги фаоллигига ҳам тўхталишга карор қилдик. Маълумки, президентнинг тўнгич қизи ушбу тармоқда чиқишлилар килиб, МХХдаги қийноклар, Ўзбекистон ҳукуматининг зулми ва бошқа муаммолар ҳақида оғиз оча бошлади.

Бизнингча, унинг бу чиқишлиари содда ва ҳеч нарсадан хабари йўқ одамлар учунгина сенсационмароқли хикоялардир. У-бу нарсалардан хабардор кишилар Гулнора Каримованинг ҳар бир “twit”ига табиий равишда қарши савол ёки чиқиш билан жавоб қайтаришлари мумкин.

Агар биз вақтимизни Twitter.Com тармоғида ўтказганимизда Гулнора Каримовага бир неча саволлар билан мурожаат қиласидик. Масалан, яқинда Гулнора Каримова ўз синглиси Лола ва онаси Татьяна Каримоваларни шайтоний урфларга берилганликда ва фолбинларнинг хизматларидан фойдаланганликда айлади. Унинг бу гаплари айни ҳақиқат.

Бироқ Гулнора Каримова 10-12 йил илгари синглиси Лолани фолбинлар билан айнан ўзи таништиргани ҳақида оғиз очмаяпти.

**Давоми келгуси сонда**

Ўзбекистон президенти Бразилияга асосан Аргентина ҳукуматининг вакили билан учрашиш учун келганини икки томон ҳам биларди. 2009 йил 27 майдан 29 майгача давом этган ушбу сафар давомида Ўзбекистон тарафи Бразилия тарафи билан кундузи “номига” учрашиб, кечқурун SIDE эмиссари (чопари) билан ҳақиқий учрашувларда иштирок этарди. Шундай килиб...

**SIDE эмиссари (чопари) ва И.Каримов ўтрасида Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган музокаралар**

Шуни айтиш керак-ки, аргентиналиклар билан музокаралар бошлангунга қадар президент И.Каримов Рио-де-Жанейрода учрашувга Аргентина маҳсус хизматлари SIDEнинг раҳбарини жўнатишни узоқ ва қаттиқ сўраб келди. Бироқ SIDE директори Эктор Икацуриага (Héctor Icazuriaga) режалаштирилган музокараларнинг маҳфийлигига путур етказмаслик мақсадида Бразилияга боришидан қатъянин бош тортди. И.Каримов билан сухбатга у Аргентина иқтисодиёт вазирлигининг Молиявий истихборот бошкармаси бошлигини юборди [афсуски, ушбу чопарнинг исми-шарифи бизга маълум эмас – У.Х.].

Уч кун давом этган музокаралар давомида Аргентина маҳсус хизматларининг вакили каримовлар оиласига бошпана беришнинг асосий шартини, яъни Ўзбекистон президенти оиласининг умумий миқдоридан 30% маблағ Аргентина

бўлди. Ислом Каримов ва Аргентина маҳсус хизматларининг вакили ўтрасидаги музокаралар Rio-de-Жанейрода “Copacabana Palace Hotel” меҳмонхонасида ўтказилди. Дарвоқе, ушбу музокараларда Гулнора Каримова таржимон сифатида иштирок этди.

Бразилияга уюштирилган сафардан кейин Ислом Каримов ўз оила аъзоларини оиласинг барча маблағлари секин-аста Аргентина банкларига ўтказилиши ҳақида огохлантириди. Бироқ охирги йилларда “МТС-Ўзбекистон” ширкатига ҳужум уюштириган Гулнора Каримова эҳтиёtsизликка йўл қўйди.

Шундан сўнг у Россия ҳукумати ва маҳсус хизматларининг ғазабига учради. Россияликлар ўзбек маҳсус хизматлари раҳбари Рустам Иноятов билан ҳамкорликда Гулнора Каримованинг хориждаги обрўси устиди “ишлаб”, Ўзбекистон президентининг тўнгич қизи ва «Telia Sonera» компанияси ўтрасида амалга оширилган молиявий фирибгарликларни фош этишда жонбозлик кўрсатишди.

Эндиликда Швеция, Франция ва Швейцария прокуратурулари Гулнора Каримованинг ҳисоб-ракамлари ва маблағларига ўзига хос “ов” эълон қилгач, бунинг натижасида каримовлар оиласига тегишли умумий бойликнинг бир неча миллиард доллари қўлдан кетиши хавфи туғилгач, Ўзбекистон президенти нафақат ушбу миллиардлар тақдири, балки “Аргентина” маҳфий лойихасининг муваффақиятли амалга ошиши хусус-

(Давоми: *Боши олдинги сонда*)

Исроиллик журналист қип-қизил ёлғон ёзган, чунки эски автобусдан янгисига ўтаётгандар гаровга олингандардан хеч ким қочиб кетмаган. Гаровга олингандарни бир автобусдан иккинчисига ўтказаётгандар жангарилилар ўз ихтиёрлари ва ташаббусларига кўра гаровдагиларнинг ярмини – барча болалар, аёллар ва қарияларни – кўйиб юборгандар ҳақида каримовпаст публицист лом-мим демаган. Шунингдек, милиционерларнинг эътиборини қидирудва бўлган Саъдулла Бобожоновга ўзи олиб кетаётган товардан хавотирга тушган савдогар аёллардан бири қаратгани ҳақида ҳам Исроил фуқароси хеч нарса ёзмаган.

Ислом Каримовнинг аксилислимий тузумига хизмат қилиш

## УҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИННИНГ ҲАҚИҚАТИ

ишқида ёнаётган Олег Ёкубов шундай ёлғон ёзганки, унинг ёлғони оддий мантиққа ҳам тўғри келмайди. Ўзбекистоннинг оддий жўғрофий харитасига кўз юргутириб ҳам, мужохидлар гаровга олингандарни бир автобусдан иккинчисига ўтказган саҳрова хеч қандай “яқин атрофдаги қишлоқ” йўқлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Гап шундаки, автобус кўлга олиниши содир бўлган “Саримой” йўл-патрул пости Кизилкумда ва Амударё соҳилида жойлашган бўлиб, Бухоро шаҳридан таҳминан 200 ва Урганч шаҳридан таҳминан 150 километр узоклиқдадир. Ушбу пост ёнида фақат Саримой посёлкаси жойлашган бўлиб, посёлканинг нуфуси минг кишига ҳам етмайди. Агар Олег Ёкубовнинг ёзганларига ишонадиган бўлсак, “гаровдан қочиб кетган икки киши” жангариларда Саримой посёлкасида яшовчиларни таниб қолишган бўлиб чиқади. Кейин эса Олег Ёкубов “ала Исроил” усулида ва уйдирма тўқишининг энг сара анъаналирига содик қолган ҳолда шундай деб ёзган: “Командир отряда спецназа дал команду начать операцию.

Завязалась перестрелка, в ходе которой погибли несколько спецназовцев, но были уничтожены все четыре преступника. К счастью, никто из пассажиров не пострадал, во время боя спецназовцы, ворвавшиеся в автобус, прикрывали их своими телами”. (Якубов О. Агония. Кровавый след террора. Ташкент, Издательство “Шарк”, 2001. Китобнинг 17-чи бўлими, 108-чи саҳифаси).

Ушбу парчанинг ўзбекчага таржимаси:

“Махсус отряд командири амалиётни бошлаш ҳақида буйруқ берди. Отишма бошланиб кетди. Отишма пайтида маҳсус отряднинг бир неча аскари ҳалок бўлди, бироқ жиноятчиларнинг тўрт нафари ҳам ўлдирилди. Бахтни қарангки, йўловчилардан хеч ким ўлмади.

Чунки жанг пайтида автобусга бостириб кирган аскарлар йўловчиларни ўз таналари билан ёпишли”.

Буни қаранг-а: “Бахтни қарангки, йўловчилардан хеч ким ўлмади” эмиш! Ислом Каримовнинг буйруги бўйича Алматовнинг маҳсус отряди томонидан отиб ташланган 28 куролсиз киши-чи? Олег Ёкубов учун улар хеч кимми? Ҳа, албатта, кунига юзлаб фаластиналарнинг ўлдирилишига кўнишиб кет-

ган исроиллик учун 28 кишининг ўлдирилиши нима бўлиди??

“Жант пайтида автобусга бостириб кирган аскарлар” қандай қилиб “йўловчиларни ўз таналари билан ёпишли” ва жангариларнинг ўқларидан химоя қилишди экан?! Ахир, аскарлар ҳатто ўзларини ҳам мужохидларнинг ўқлардан химоя кила олишмади!

Агарда “жиноятчиларнинг тўрт нафари ҳам ўлдирилди” бўлса, 1999 йилнинг июль ойида кимлар суд қилиниб, кимлар ўлим жазосига хукм қилинди экан? Ёки Саримойда автобусуни кўлга олганлиги учун Хоразм вилоят суди томонидан ўлимга хукм қилинган Ҳамро Ҳалиллаев ва Темурбек Бобожонов Олег Ёкубов учун ўликларми?!

Олег Ёкубов автобусни отиб ташлаш амалиётига Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Зокир Алматов шахсан бошчилик қилгани ва Алматовнинг маҳсус отряди гаровдагиларнинг барчасини отиб ташлагани ҳақида ҳам хеч нарса ёзмаган.

Саримойдаги фожия ҳақидаги ҳақиқатни Ўзбекистоннинг давлат оммавий ахборот воситалари ҳам яширишди. Улар ҳам ўз сахифалари ва эфирлари орқали ўзбек халқига воқеанинг исроилча-каримовча тасвирини тақдим этишди. Улар Янгибозор гурухига кирган жангариларнинг қариндош-уруглари кейинчалик қатағон қилингани ҳақидаги ҳақиқатни ҳам халқдан яширишди. Шундай қилиб...

Оталар отиб ташланган ўғиллари учун жавоб беришди

Саримой фожиасидан сўнг Каримов хукумати хоразмлик

мужохидларнинг яқинларига нисбатан аёвсиз қатағон бошлаб, ўзининг аксилисоний ва вахший моҳиятини намойиш этди.

Хусусан, 1999 йил 31 март куни Алматовнинг маҳсус отряди томонидан ўққа тутилган автобус ичидаги ҳалок бўлган жангари Саъдулла Бобожоновнинг отаси 64 ёшли Собир Бобожонов 1999 йил 2 апрель куни, яъни Саримой воқеаларидан икки кун ўтар-ўтмас ҳисбга олинди.

Ҳа, ха, хоразмлик кучишилтарларнинг илтимоси билан Саримойга келиб, ўз ўғлидан гаровдаги одамларни озод қилишни сўраган ўша қарияни Каримов хукумати 2 апрель куни ёк ҳисбга олди.

Кейинчалик хоразмлик отахон Ўзбекистон жиноят кодексининг “навбатчи” моддаларидан бўлмиш “наркотик моддаларни саклаш” бўйича айланди. Собир Бобожонов 3,5 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бироқ Бобожоновлар оиласини таъкибга олган Каримов диктатураси бу билан чекланиб қолмади. 1999 йил 4 апрель куни, яъни Саримой фожиасидан тўрт кун ўтар-ўтмас Собир Бобожоновнинг опасининг эри 63 ёшли Искандар Қутлимуротов ҳисбга олинди.

Саримойда автобусни кўлга олган бошқа жангариларнинг қариндошлари ҳам зудлик билан жазоланди. Масалан, автобус ўққа тутилган жойдан Ҳамро Ҳалиллаев билан бирга қочиб кетган Полвонназир Хўжаевнинг 48 ёшли отаси Азимбой Хўжаев ҳам 1999 йил 4 апрель куни ҳисбга олинди.

“Наркотик моддаларни саклаш” каби “навбатчи модда билан айланган Азимбой Хўжаев 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди. У 1999 йил 2 июль куни Жаслик қамоқхонасида вахшийларча қийнаб ўлдирилди.

1999 йил 18 сентябрь куни МХХнинг Хоразм вилояти бошқармаси Саъдулла Хўжаевнинг 18 ёшли укаси Музаффар Хўжаевни ҳам хисбга олди.

Саримой воқеаларидан кейин Каримов режими ўз муттаҳамлигини янада ошкора намойиш эта бошлади.

Хусусан, Хоразм вилотининг ички ишлар ва миллий ҳавфисизлик бошқармаларининг раҳбарлари “Мерседес-Бенц” автобусининг эгасига етказилган зарарни қопламадилар.

Янгибозорлик норози тадбиркорни улар янгибозорлик мужохидларга алоқадорликда айблаб, қамаш билан кўркитишиди.

“Агар автобусинг учун пул талаб қилишда давом этаверсанг, биз

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

сени террористларнинг кўмакчиси сифатида қамоққа тиқамиз”, — дейа пўписа қилишди хоразмлик кучишлатарлар.

Бундан ташқари, 1999 йил август ойида вилоятнинг кучишлатар идоралари Ўзбекистон МХХ раиси Р. Иноятовнинг ва Ички ишлар вазири З. Алматовнинг топшириклирга кўра, гаровга олиниб, автобусда ҳалок бўлган барча йўловчиларнинг қариндошларидан махсус тилхатлар олишди. Ушбу тилхатларда хоразмликлар Саримой воқеаларининг таф-

### Сўнгсўз

Саримой фожиаси Каримов диктатураси аксилисоний ва вахший табиатга эга эканлигига яна бир исбот бўлди. Шу билан биргаликда, ушбу воқеа ҳукумат қўшинларининг ва ҳатто Узбекистон Президентининг хавфислик хизмати шахсий таркибининг кўрқоклигини ва етарлича ҳарбий тайёргарликка эга эмаслигини ҳам фош қилди. “Ўзбекистон махсус отрядларининг профессионал такомиллиги ва юксак ҳарбий тайёргарлиги” ҳақида Каримовнинг ташвиқот машинаси тарқатаётган

ишчиларнинг отиб ташланиши Каримов диктатурасини факат ҳарбий йўл билан ағдариш мумкинлигини кўрсатди. Бу воқеалардан сўнг Ислом Каримовнинг аксилихалқ тузуми фуқароларнинг ҳар қандай тинч ва куролсиз норозилик тадбирини қурол билан бемалол бостиришини ҳам ойдинлатди. Саримой ва Андижондаги фожиали воқеалар Каримов диктатурасини нозуравон йўллар билан ағдариш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар ёки ёлғон, ёки ўзини-ўзи алдаш эканлигини ҳам исботлаб берди.

Шунингдек, Каримов ҳукуматини парламент ва президентлик сайловларида иштирок қилиб енгиш ҳақидаги сафсалалар ҳам ёлғон ва ўзини-ўзи алдашдир. Мустақил Ўзбекистоннинг 22 йиллик тарихи Каримов диктатурасини сайловлар йўли билан енгиб бўлмасилигини, чунки диктатура ўз рақибларини сайловларга қўймаслигини кўрсатиб берди.

Шу сабабдан биз Каримов диктатурасини факат ҳарбий йўл билан ағдариш мумкинлигини яна бир бор тақрорлаймиз.

Саримой воқеалари ўлимдан кўрқмайдиган инсонларгина, зулмга қарши кураш йўлида ҳалок бўлиб, жаннатга эришиш мумкинлигига ишонадиган кишиларгина Каримов тузумини ҳарбий йўл билан ағдара олишини намойиш қилди.

Ўзбекистондаги аксилисоний тузумни ҳарбий йўл билан ағдариш каби жасоратталаб иш дунёвий ҳаётга муҳаббат қўйган ва ўлимдан кўрқадиган мухолифатчиларнинг қўлидан келмайди. Бизнингча, ўлимдан кўрқадиган ҳар қандай одам Каримов қўшинларига қарши чиқа олмайди, ўлим билан юзма-юз бўла олмайди.

Ўлимдан кўрқадиган инсонлар Ислом Каримовнинг ва унинг хизматкорларининг зулми остида яшашга мубталолар. Ва бундай кишилар ўзларининг бу қисматида Каримовни эмас, ўзларини ва ўзларининг кўрқоклигини айблашлари керак.

Саримойдаги воқеалар ўзбек ҳалқи ҳали ҳам жасур жангчиларни, зулм ва ёвузликка қарши курашда ўлимдан қўрқмайдиган фарзандларни тарбиялаш салоҳиятига эга эканлигини кўрсатди.

Хозир ҳам Афғонистон, Покистон, Сурия ва Сомалида беш мингдан ортиқ ўзбекистонлик мужоҳидлар жанг қилишмокда.

Бу фактлар ўзбекларни ҳаракатсизлик ва кўрқокликда айблаш бўйича авж олган “мода”га ўзига хос жавобдир.

*(Давоми келгуси сонда)*

## УҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

силотларини на оғзаки ва на расмий равиша ҳеч қачон суриштирмасликка сўз беришга мажбур қилиндила. Бундан ташқари, ушбу тилхатларда кучишлатарлар хоразмликлардан Ҳамро Ҳалилаевнинг судда сўзлаган сўнгги нутқини на аҳолига ва на хорижий оммавий аҳборот воситалари вакилларига ҳеч қачон тарқатмаслик ҳақида ваъдалар олиши.

Хоразмлик мужоҳидларни ва уларнинг яқинларини жазолаган Каримов диктатураси ўзининг итоаткор жаллодларини тақдирлашни унутмади.

Жумладан, жангарилар билан отишмаларда ҳалок бўлган Эрик Гаязов, Сергей Ничепуренко ва Сергей Давидов (Ўзбекистон Президентининг хавфислик хизмати снайперлари) турли орден ва медаллар билан тақдирланishi.

Алматовнинг махсус отряди сафида жанг қилиб, ярадор бўлган 9 аскар ва Саъдулла Бобоҷонов томонидан “Икарус” автобуси салонида ярадор қилинган бир милиционер ҳам Каримов томонидан тақдирланди.

“Ўзлариникилар”ни тақдирлаш жараёнида кулгили ва мантиқсиз ҳодисалар ҳам рўй берди.

Хусусан, “Саримой” йўл-патрул постидан таҳминан 100 киломтер узоқликда ойлашган Мискин посёлкасида 1999 йил 30 март куни содир бўлган автоаварияда ҳалок бўлган О. Собиров (Хоразм вилояти давлат автомонспекция бошқармаси бошлиғи) ҳам вафотидан сўнг ҳукумат томонидан тақдирланди. Яъни, “Саримой” ЙППга шошилаётган хоразмлик “гаи”чи Саримойга етмасдан миший-транспорт воқеасида ҳалок бўлган.

Лекин шунга қарамасдан Каримов режими уни ҳам “қўпорувчиларни бартараф қилишда жасорат кўрсатган қаҳрамонлар” қаторида тақдирлади. Шундай қилиб...

гаплар аҳолини алдаш ва қўрқитиш учун ўйлаб топилган афсона эканлигини ҳам ошкор бўлди.

Алматовнинг юзга якин аскари ва Каримовнинг 10 снайпери жангариларни ҳатто ярадор ҳам кила олишмади. Автобусни вахшийларча ўққа тутаётганда ҳам улар атиги бир мужоҳид – Саъдулла Бобоҷоновни ўлдиришган холос. Ўзбек махсус отрядидаги аскарларнинг “юксак профессионал маҳорати ва жангвор тайёргарлиги” факат қуролсиз йўловчиларни отиб ташлашга етди.

Ўшандан бери деярли 15 йил ўтди, лекин Ўзбекистон қўшинларидаги аҳвол ҳали ҳам ўша-ӯша. Охирги 10 йил ичида Ислом Каримовнинг ташабbusи билан республикада миллий армия тугатилди. Чунки президент Каримов кенг оммани ҳарбий тайёргарликдан ўтказишга руҳсат бермайди. Каримовнинг фикрига кўра, аҳоли қуролдан фойдаланишни ўрганса, эртага қўлида қурол билан ҳукуматга қарши ҳужум уюштириши мумкин экан. Шунинг учун Ўзбекистонда “танлаб олинган махсус қўшинлар” деб ном олган бир тўда манқурт ва зомбилар ҳарбий тайёргарликдан ўтади холос. Ҳатто ўзбек чегарачилари ҳам ҳарбий тайёргарликка эга эмаслар.

Каримов диктатурасини кўриклиётган ўша “танлаб олинган махсус қўшинлар”нинг профессионал маҳорати ва жангвар тайёргарлиги эса етарли даражада эмас. Мазкур қўшинларнинг, шу жумладан, Президент хавфислизиги хизматининг шахсий таркиби фақат ўз гувоҳномаларини кўрсатиб, кафе ва ресторанларнинг эгаларини, оддий тадбиркорларни шантаж қилишга усталар холос.

1999 йилда Саримойда содир бўлган воқеалар ҳамда 2005 йилда Андижонда минглаб тинч намой-

“Оч бир чумчук бўлсам” шеъридаги феълларнинг шакли ҳам содда ва ҳамда мураккаб феъл бўлиши чекимда ҳам (турланишда ҳам) гоҳ содда гоҳ мураккаб кипли бўлиши бу хусусиятнинг ёрқин кўринишидир.

### ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ

Оч бир чумчук бўлсам,  
Кўнмас эдим сизнинг  
деразангизга.  
Чумоли бўлсам мен,  
Кесиб ўтмас эдим  
сиз ўтган йўлни,  
Сиз гассол бўлганда эди,  
Албатта сиздан сўнг ўлардим.  
Агар дарахт бўлсам,  
Сизнинг бўгингизда  
кўкармас эдим.

### ҚИЛИЧЛАР УЙҚУГА КЕТСА...

Қиличлар уйқуга кетганда  
Уларни занг босар.  
Қиличлар уйқуга кетганда  
Тўқкан боламизнинг ҳаммаси ясур.  
Сенинг мардлигиннга  
шубҳа қиласман,  
Ишонмайман мағрургингизга.  
Чунки сен биласан:  
Агар қилич занглаган бўлса.  
Нафақат эгилган,  
Эгилмаган боини ҳам

кесломайди у.

Бу шеърда ”қилич” калимаси совет тузумини ифодалаган бир символ ўлароқ кўлланилган. Маъно шундай: Совет қиличи 1980 йилларга келиб тўла занглагандир, эски кучини

учун танқидга маъруз қолган бир шоирдир. Албатта, бу тасбит унинг 1985 йилга қадар ёзилган шеърлари учун қўлланилса тўғрироқ бўлади. Чунки сиёсий тазииклар тобора озаяр экан, Мухаммад Солихнинг ўз таъбири билан айтганда, адабиёт яширган бурчагидан чиқиб, халққа қараб юрганида, шеърнинг ”орт плани”ни ташкил этган фикрлар ҳам очиқласига ”олд план”га чиқа бошлади. Бу ўзгариш Мухаммад Солихнинг услубини ҳам ўз таъсири остига олади. У ортиқ метафорик ифода ўрнига очиқ сўйловларни келтира бошлади. Ортиқ у ўз миллатига туйғу ва тушунчаларини эркин бир тил ифода этишга бошлади.

## МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

Лекин ҳарсанг бўлсам,  
улкан тоши бўлсам,  
Йўлингизда кўндаланг  
ётган бўлардим.

2. Мухаммад Солих шеърларида ги диққатни жалб қиласиган иккинчи хусусият ифоданинг назмдан насрга томон тамойил кўрсатишидир. Шоир классик шеър тушунчasi ташқарисига чиқиб, маъно, мисра, байт ва қитъаларда тугалланиши керак деган бир мажбуриятни хис этмайди. Маънони мисрадан мисрага ташир экан, ”аябмана” ўрнак бўлиши даражасида бир тадбикот бошлади.

### ТҮН

Япроқлардан пештоқ тенада –  
Афсонавий, хувлаган сарой.  
Қалқиб - қалқиб қўяр шаббада,  
Шохлар аро сизиб оқар ой.  
Тўртта дарахт, яъни тўрт устун  
Ёнга солар ширин бир қўрқинч –  
Қаердадир шу кимсасиз тун  
Одам мисол қичқирап бир қуши.

3. Мухаммад Солихнинг шеърлари мавзу нуктаи назаридан таҳлил этилса, уларда, асосан “дардташвиш, депрессия, андиша, иймон илиа кутиш” каби мавзулар қаламга олинганини кўрамиз.

Фақат режимнинг босими қаршисида бундай туйгуларни очиқ бир ифода ила тўғридан тўғри очиқ баён этиш жуда қийин. Бу ҳолат ўша даврда исён қилган бошқа шоир ва ёзувчиларга ҳам хосдир.

Мухаммад Солих ҳам ўз тушунчаларини айтиш учун оригинал бир ифода тарзи, маъжоз, истиора ва символларла тўла янги бир шеър ўртага қўяди. Гоҳ-гоҳ қўлланган халқ мақоллари ва маталлари ҳам унинг шеър тилини бойитгандир.

Шунингдек, у айтмоқчи бўлган фикрини ўзига хос услуг бирлан айтишни биринчи планга чиқаради.

йўқотган ва унинг қаршисида ҳар ким ясур бўлиши мумкин. (“Эгилган боини қилич кесмайди” мақолига киноя).

“Тараққиёт ва мақол” билан ”Мақол” шеърлари халқ мақолларига суюнилиб, халқнинг ифода тарзига ўйн бой сўйлашлардир.

### ТАРАҚҚИЁТ ВА МАҚОЛ

Қиримлик қардошларимга  
Мана, тараққиёт қуёши балқди –  
Бизлар ҳар нарсага

қодирмиз бу кун.

Агарда истасак, бутун бир халқни  
Бошқа сайёрага кўчирши мумкин.  
Тараққиёт ёнида ойиздир мақол:  
Эл оғизга елак топши ҳам мумкин,  
Агар биз истасак бугун, бемалол  
Ойни этак билан ёпни

ҳам мумкин.

### МАҚОЛ

Замон сенга боқмаса гар,  
сен ҳам боқма замонга

Майли, яхши отинг  
чиқсин бир лаҳзада ёмонга!

Боқма унга, бир  
кун келиб оғирлашига ахволинг,  
Исбот қилгун эскирганин  
замон ҳақда мақолнинг.

Ҳаёти-ла ўзгартирса бир  
мақолни бир одам,

Бир одамнинг ҳаётига  
этуб ортар ўша ҳам.

Мухаммад Солихнинг шеърлари сиёсий тузумнинг тазиик остида ёзилган асарлардир. Бу асарларнинг деярли ҳаммасида бир қарашда кўриш мумкин бўлмаган фикрий план мавжуддир. Кескин бир законнинг асорати бўлган бу ”орт план” Мухаммад Солих шеърларига фалсафий характер қозондирмоқдадир. Айни пайтда ”соф санъат” андишасидан ҳам туғилган бу хусусияти учун Мухаммад Солих (шеърлари) қийин тушунилган, ҳатто бунинг

”Деҳқон қўллари” (1985), ”Ўзбек аёлига” (1985), ”Иймоннинг уйғониши” (1985), ”Туркистан” (1985), ”Тилчининг дегани” (1986), ”Бошқа” (1986), ”Қаршиман” (1986), ва ҳакозолар фавқулодда очиқ ифода этилган шеърлар Мухаммад Солихнинг энг машҳур асарларидир.

### МУХТАВО

#### 1. САНЪАТГА ТААЛУҚЛИ ШЕЪРЛАР

Мухаммад Солихнинг шеър ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага қўйган бир поэтикаси йўқ, аммо баъзи шеър ва мақолаларида сочилган фикрларда бу бахсга доир кўришларини ифода этгандир. Бу бўлимда ўша кўришларнинг тасбиитини ўрганишга ҳаракат қиласмиз.

Шоир 1981 йилда қаламга олган ”Соддалик жозибаси” номли мақоласида шеърнинг манбаи ва моҳиятини шундай изоҳ этади: ”Ҳар бир шеър бахтиёрлик туйгусидан, қувончдан, тоза бир хиссиятдан бошланади...” Ҳар шеър бахтиёрлик туйгусидан бошланадими? Йўқ. Энди кутиш туйгуси пайдо бўлди. Муқаддас бир нарсани кутиш туйгуси. Муқаддас бир нарсани кутиш хисси уфура бошлади. Кутиш жозибаси... Шеър доим сирдош, шоирни имлаётган гўзал – сир томон ташланган қадам, руҳга саёҳатдан бошланади. Яна адашдикми, йўкми? Шеър изтиробдан ҳам бошланади-ку! Бу ҳам нотўғри. Шеър ҳаммасидан – ўша саналгандарнинг бирданига ҳаммасидан бошланади. Чин шоирнинг қувончи дарди билан, дарди қувончи билан йўғрилгандир. Уни “бахтиёрларча енгилтаксан” деб айблаб бўлмайди – уни “хаддан ташқари маҳзунсан”, деб қоралаш ҳам маънавий адолатсизликдир.

**Давоми келгуси сонда**

# ЗЕХН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ИНСОН

НАСЛИ

ТАХЛИКАДА

Инсон наслининг суръат билан тугаб бораётганидан дунё жамоатчилигининг катта бир кисми гўё хабарсиз. Аввало, бу феноменнинг яққол кўринган икки белгисини кўрсатайлик, булар:

1. Бепуштилик катта тезлик билан ёйилаётгани ва бу тотал жараённинг сабаби ҳаммага маълум бўлса-да, ҳалигача расман тасбит этилмагани.

2. Ғарб ўлкаларида кузатилиб, нормал хисобланган, айни жинсга мансуб кишиларнинг жинсий муносабатлари энди Шарқ ўлкаларида ҳам нормал қабул қилина бошлагани.

Бу икки жараён инсон зотининг табиий кўпайиш йўлларини беркитиб, ҳеч бир босқичи табиий бўлмаган, сунъий инсон яратиш услубига эҳтиёж туғдирмокда.


Оммавий Ахборот Воситаларининг бу мавзуга ёндошуви - масаланинг жиддиятини ва унинг асл сабабларини пардалашга, ўтишга ўйналтирилган.

Медиа дунё нуфузининг кисирлашувини табиий бир жараён эканини уқтиришга ғайрат кўрсатмоқда. Келажакда ҳар бир киши «пробирка бола» дунёга келтиришга мажбур бўлажагини зеҳнларга куйиб бормоқда.

Генетика илми, яни пайғамбарлар илми билан вужуднинг кимёвий бирикмасини, унинг таркибини тасбит этмоқ мумкинdir. Кисирлик ташхиси қўйилганларга бу илм дарчасидан бокилса, мия ва ирсий органлар тўқималарида тифиз бир шаклда аспартам, фталат ва диоксин (острогенсимон моддалар) бирикмалари кўринмоқдадир.

Кисирлик билан параллел равища, тироид ва буйракусти бези гормонларининг мувозанати бузилишини, руҳий ва психиологик хасталикларни ҳам ёйғинлаштирумокда.

Бу хасталиклардан шикоят этган 300дан ортиқ кишидан озик-овқат саноати, кир ювиш моддалари, бандарвариши махсулотлари (парфюм, атири-упа)нинг кўлланилиши хақда бир анкета тўлдирилиши исталди. Генетик илми нуқтаи назаридан қаралганида, шикоятчилардан ҳаммасининг мия ва жинсий



органлари тўқимларида аспартам, фталат ва диоксиннинг қалин бир қатламига дуч келинди.

Авваллари бундай қатламлар баданпарвариш моддалари (парфюм, шампун, крем ва хоказо) ва, хусусан, детаржан қўлланган аёлларда кузатиларди.

Сўнгги 3-4 йилдан буён бу ҳолат парфюм ва бошқа баданга суртиладиган хушбўй моддалар қўлланган эркакларда ҳам кўрина бошлади. Яна сўнгги йилларда аспартам, фталат ва диоксин билан бир қаторда TiO2 (титаниум диоксит) ҳам пайдо бўлди. Ҳатто титаниум диоксит олд планга чиқиб, З ёшдан катта болаларнинг ҳам мия ва жинсий органларига нуқс эта бошлаганини кўра бошладик.

Бизга кўра, титаниум диоксит бирикмаларининг кўзга кўринадиган ҳолга келиши, G3 технологияси билан боғлиқдир. Авваллари титаниум диоксит мия ва жинсий органларда бу қадар зич кузатилмаганди, уни бу органларга G3 жалб этди.

Бу вазиятда аспартам, фталатлар ва диоксин каби моддалар бирикмалари бир-бири билан қандай реакцияга киришажагини ҳеч ким олдиндан билмайди. Бу тасбит этилганда эса, кеч бўлади, албатта. Тажрибамизга кўра, кисирлик сабабларининг энг муҳими - синтетик атиrlар ва юқорида тилга олинган кўшимча моддалардир. Узоқ йиллардан бери инсонлар билан баҳам кўрганимиз бу тажриба, эндилиқда илм оламида ҳам тадқиқотлар ёрдамида тасбит этила бошлади.

## Атиrlар (хидлар)

Хидларнинг инсон руҳи, кимёси ва туйгуларига қандай таъсири килиши маълум бўлганида, атиrl (хидлар) тиббий максадларда ва диний маросимларда кўлланила бошлади.

1867 йилда Францияда мустақил косметик бозор пайдо бўлишидан сўнгра, атиrl (хидлар)ни кўлланиши миқёси яна-да кенгайди. Франция «Атиrl маркази»га айланди. У ерда 1868 йилда илк синтетик атиrl ишлаб чиқарилди. Ва косметик бозор кенгайган сари, табиий атиrl ўрнини синтетик атиrl ишғол эта бошлади.

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда синтетик атиrlарнинг инсоннинг жисмоний ва руҳий оламига нақадар катта зарап бераётгани тасбит этила бошлади.

Оврупа ва Америкада атиrlарнинг назоратсиз кўлланилишига қарши жамоатчилик савиясида қатор тадбирлар олинмоқда.

Экологлар атиrlардан химояланмоқ учун сигара чекилмаган бўлгалар каби парфюмсиз бўлгалар ташкил қилиш (fragrance free rooms) учун ғайрат килмоқдалар.

Улар мактабларда, иш жойларида ва усти ёпиқ жойларда парфюм ва атиrl қўлланилишини таъкилашни талаб этмоқдалар.

Атиrlардаги заарлар фош бўлгандан сўнг, бозорга “органик” ва “табиий” косметик махсулотлар бозорга суқула бошлади.

Бу махсулотлар тадқиқ этилганда, уларнинг ичида фақат 1%гина табиий услугда олинган гул ёғи «тамоман табиий» тамғаси билан бозорга чиқарилгани маълум бўлди.

Атиrlар кимёвий моддалардан ва феромонлардан иборатдир.

## Кимёвий моддалар

Сўнгги йилларда йилда 35 миллион тоннага яқин ароматик моддалар нефть рафинацияси ва ёки кўмир катронидан олинади.

Парфюм, детаржан, ҳашорат ўлдирувчи, буёқ, ёпиштирувчи, уочқ ва автомобил ёнилғиси, пластик ва нейлон ишлаб чиқаришда кўлланиладиган бу моддалар айни пайтда вужуд кимёсини ҳароб килувчи психотропик моддалардир.

Буларнинг аксарияти мутаген, токсик, кансеро(рак)гендир. Хроник интоксикацияда кишида ўринисиз жўшқинлик, эйфория, галлюцинация, бош айланиши, депресия, бош оғриғи, бош айланиши (вертиго), юракда ритм бузуклиги, кучли қон босими, эпилепсиясимон ҳуружлар, ҳаракатларда секинлашиш, караҳтлик, кулоқ шангиллаши, кўз хираланиши, террида кўкариш каби белгилар пайдо бўлади.

Парфюмлар таркибидағи кимёвий-ароматик моддалар (психотропик моддалардир), фталат ва синтетик мушк тахминан 95% ни ташкил этади. Кўлланганларда жисмоний ва руҳий бокимандалик пайдо бўлади.

## Оидин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мустақил манбааларнинг

маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир

Камолиддин Йўлдош